

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Микрокредитбанк”

акциядорлик-тижорат банки
Акциядорларининг навбатдаги
йиллик умумий йиғилишининг
2024 йил “27” июндаги
2-сонли баённомаси билан

Йиғилиш раиси



Ф. Нургалиев

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг
“Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомига
кiritилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

“МАЪҚУЛЛАНГАН”

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки

Кузатув кенгаши мажлисининг
2024 йил “13” июн даги 22-сонли баённомаси билан

Раислик қилувчи



Ф. Нургалиев

Бошқарувининг
2024 йил “13” июн даги 83-1-сонли қарори билан

Бошқарув раиси в.б.



О. Бутаев

Тошкент – 2024 йил



**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг
“Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомига
киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

1. Низомнинг 2.1-банд “з” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“з) Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш ва унга ўзгартириш киритиш, Бошқарувини тузиш, Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) ва Бошқарув раисининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Банк Бошқарувининг фаолияти тартибини белгилаб берувчи Банкнинг “Бошқаруви тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш;”.

2. Низомнинг 2.1-банди қуйидаги мазмундаги “ц” ва “ч” кичик бандлари билан тўлдирилсин:

“ц) Банк Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш ва уларга ўзгартириш киритиш;

ч) Банк Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларининг (КРІнинг) йиллик натижаларини кўриб чиқиш;”.

3. Низомнинг 2.3-банд саккизинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

4. Низомнинг 2.3-банд тўққизинчи хатбошиси тегишинча саккизинчи хатбошиси деб ҳисоблансин.

5. Низомнинг 2.9-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбошиси билан тўлдирилсин:

“Банкнинг Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш ҳамда Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, шунингдек уларга ўзгартириш киритиш бўйича масалалар Кузатув кенгаши томонидан маъқуллангандан сўнг Акциядорларнинг умумий йиғилишига киритилади.”;

